

# Неча фоизимиз Қуръон тиловатини биламиз? | Қуръони Карим дарслари (184-дарс)



19:00 / 05 январь 1324

Қуръон – илоҳий дастур, икки дунё саодатининг калити. Қуръон тиловат қилиш, ўрганиш ва амал қилиш учун Аллоҳ томонидан юборилган. Уни тиловат қилиш ва ўрганиш инсонни юксак даражаларга эриштиради.

Қуръонга амал қилиш инсонни улуғ мартабаларга етказди.

Бас, шундай экан, Қуръон тиловат қилмайдиган мусулмон бўлиши мумкинми?

Энди инсоф билан айтайлик, ичимиздан неча фоизимиз Қуръон ҳарфларини таниймиз?

Неча фоизимиз Қуръон тиловатини биламиз?



عَوَّحَّصَ وَيُذَمَّرُ لَأَوْ دُوَادُ وَبَأْ هَاوَر. أَلْأَرْقَاتِ عَيْ آرْحَ آذْنَع

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қуръон соҳибига: «Қироат қилиб кўтарилавер. Дунёда қандоқ тартил қилган бўлсанг, худди шундай тартил қил. Албатта, сенинг манзилинг охирги қироат қилган оятинг даражасидадир», дейилади», дедилар».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар. Термизий саҳиҳ деган.*

Бу ҳадиси шарифда васф қилинаётган кўриниш қиёмат куни жаннатда бўлади. Бу дунёда Қуръон ўқиган одам жаннатга кирган. Энди унга жаннат мартабаларидан ўзига яраша мартаба бериш керак. Ана шунда:

**«Қуръон соҳибига: «Қироат қилиб кўтарилавер»,** дейилади. Яъни, жаннат ишларини юритиб турган фаришталар Қуръон соҳибига жаннат мартабалари зинасини кўрсатиб, «Қироат қилиб кўтарилавер»,

**«Дунёда қандоқ тартил қилган бўлсанг, худди шундай тартил қил. Албатта, сенинг манзилинг охирги қироат қилган оятинг даражасидадир»,** дейдилар.

Қуръони Каримни тартил қилиш секин, шошилмай, дона-дона қилиб қироат қилишдир. Демак, Қуръон соҳибига бу дунёда Қуръони Каримни қандай ўқиган бўлса, ўшандай ўқиб, мартаба зинасидан кўтарилиб бораверади. Агар у Қуръони Каримни тўлиқ ёдлаган бўлса, мартаба зинасининг энг юқори чўққисига чиқади. Озроқ ўқиган бўлса, мартабаси ҳам озроқ бўлади. Хуллас, унинг манзили зина бўйлаб кўтарилаётиб, охирги ўқиган ояти тугаган жойда бўлади.

Бас, шундай экан, жаннатдаги мартабамизнинг баланд бўлиши учун ҳаракат қилайлик.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 30-жуз**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.